

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>З.Пардаева</b>	
Шеърӣ асарда метафоризация хусусиятлари (А.Ахматова ва М.Цветаева шеърӣати мисолида).....	82
<b>З.Мамадалиева</b>	
“Ҳайрат ул-аброр” достонида Хожа-қўнгул образи ва унинг такомилӣ.....	88
<b>И.Рустамова</b>	
Бадиий ижодда деталлар функционалиги ва динамиклиги.....	94
	ТИЛШУНОСЛИК
<b>А.Бердиалиев</b>	
Эга ва унинг умумлисоний хусусиятлари ҳақида.....	98
<b>Т.Эназаров</b>	
Шеваларни илмий ҳамда амалий тадқиқ этиш назарияси ва концепцияси.....	102
<b>Ҳ.Шокирова</b>	
Шахс дейксиси имкониятлари.....	108
<b>М.Абдупаттоев, В.Абдурахмонов</b>	
Микроматн композицияси.....	116
<b>Ф.Шарипов, Т.Галиев</b>	
Ўзбек тилшунослигида сўзшакл ҳақида.....	121
<b>М.Ширинова</b>	
Кинофильмлар номлари лингвистик аспект материали сифатида.....	126
	ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ
<b>Т.Эгамбердиева, М.Зиёева</b>	
Ўзбекистон олий педагогик таълим соҳасини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар мазмуни.....	130
<b>Ҳ.Қодирова, М.Юнусалиева</b>	
Тўғарак машғулотида мантиқий фикрлашни ривожлантириш ёрдамида ўқувчиларни олимпиадаларга тайёрлаш.....	136
	ИЛМИЙ АХБОРОТ
<b>Д.Мухторова</b>	
Ядросида Гауссинг гипергеометрик функцияси қатнашган интеграл тенгламаларни ечишнинг композицион усули ҳақида.....	141
<b>К.Кодиров, Т.Тўхтасинов</b>	
Лордания билан алгебрасидаги конвергенция топологияси.....	144
<b>М.Имомова, Б.Абдуғаниев, А.Турдибоев</b>	
Мотор ва сурков мойларининг физикавий кўрсаткичлари ва кимёвий таркибини ускунавий услубларда аниқлаш.....	148
<b>Р.Казоков</b>	
Кимё ўқитиш самарадорлигини оширишда уй кимёвий тажрибаларнинг роли.....	152
<b>М.Ҳакимов, А.Маруфжонов</b>	
Ўзбекистонда анор етиштиришни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ишлар.....	156
<b>С.Исроилжонов, В.Каримов</b>	
Озиқ-овқатлар таркибидаги ксенобиотикларнинг ҳамда захарли моддаларга одам организмидаги ҳимоявий омиллар таъсирини ўрганишга кириш асослари.....	159
<b>А.Гадоев, В.Каримов, Г.Гадоева</b>	
Мушуклар организмида <i>Sarcocystis tenella</i> railliet, 1886 саркоспоридийларнинг ривожланиши.....	162
<b>М.Дадақўзиёв, О.Эркабоев</b>	
Фавқулодда вазиятларда фуқаро муҳофазаси фанини ўқитиш бўйича илғор хорижий тажрибалар.....	165
<b>Ф.Маматов</b>	
Глобаллашув жараёнида хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини оширишнинг инновацион омиллари.....	168

УДК: 81`25

КИНОФИЛЬМЛАР НОМЛАРИ ЛИНГВИСТИК АСПЕКТ МАТЕРИАЛИ СИФАТИДА  
 НАЗВАНИЯ КИНОФИЛЬМОВ КАК МАТЕРИАЛ ЛИНГВИСТИЧЕСКОГО АСПЕКТА  
 FILM TITLES AS A MATERIAL OF THE LINGUISTIC ASPECT

М.Ширинова<sup>1</sup><sup>1</sup> М.Ширинова

– Бухоро давлат университети, ўзбек тилишунослиги кафедраси таянч докторанти.

**Аннотация**

Мақолада кино номларини лингвистик аспектда ўрганишнинг аҳамиятли жиҳатлари хусусида сўз боради. Фильмоним (кино номлари) кинонинг муҳим таркибий қисми бўлиб, номлаш, ахборот бериш, аниқлаш, олдидан сезиш, диққатни жалб қилиш, томошага ундаш ҳамда информацион вазифани бажариши айтиб ўтилган. Шунингдек, фильм номларига саводлилик, қисқалик, ихчамлик, асар мазмун-моҳиятини тўлиқ қамраб олиш, номлаш, асар мазмуни тўғрисида тасаввур уйғотиш, ўзига ром қилиш, фильмни томоша қилишга ундаш, ахборот бериш, яхлит маъно ифодалаш, образлилик, мажозийлик каби хусусиятлар мавжудлиги таъкидланган.

**Аннотация**

В статье речь идёт об особенностях изучения названий кинофильмов в лингвистическом аспекте. Отмечается, что фильмоним (название кинофильмов) — важная часть кино, которая выполняет функции именованья, предоставления информации, определения, предвосхищения, притягивания внимания, поощрения к просмотру и информационную функцию. А также утверждается, что названия кино предполагают следующие особенности: грамотность, краткость, упрощённость, полный охват содержания произведений, именованье, пробуждение фантазии о содержании произведения, притяжение, призыв к просмотру фильма, предоставление информации, выражение целостного значения, образность и фигуральность.

**Annotation**

The article discusses important aspects of the study of film titles from a linguistic point of view. Filmonyms (film titles) are an important part of cinema and are said to perform the function of naming, informing, identifying, anticipating, attracting attention, motivating the audience. The titles of the film also include literacy, brevity, conciseness, full coverage of the content of the work, naming, imagining the content of the work, captivating, motivating to watch the film, informing, expressing the whole meaning, imagery.

**Таянч сўз ва иборалар:** кино, кино тили, кино номлари, фильмоним, лингвистик аспект, ономастика.

**Ключевые слова и выражения:** кино, язык кино, названия кинофильмов, фильмоним, лингвистический аспект, ономастика.

**Keywords and expressions:** cinema, cinema language, film titles, filmonym, linguistic aspect, onomastics.

Санъат — бу, мўъжиза. Асрлар оша инсоният ушбу мўъжизанинг сеҳрли тароватидан баҳраманд бўлиб келмоқда. Нисбатан энг ёш санъат тури эса кино (кинематография)дир. Кино юнонча *kineo* “ҳаракатга келтираман” деган маънони англатиб, ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми сифатида кинематографияга, кинофильмга алоқадорлик маъносини билдиради [10,368]. Қаҳрамонлар, сўзлар, ранг-тасвир, кадр ва бошқаларни “ҳаракатга келтириб”, катта-ю кичикни ўзига маҳлиё қилган, экран олдидан жилишга йўл қўймайдиган ушбу санъат тури ўзига хос тилда сўзлайди.

Кино тилининг 2 хил кўринишини фарқлаш мумкин: 1) оғзаки; 2) ёзма. Оғзаки шаклига актёрлар нутқини киритамиз. Ёзма

кўриниши эса кино бошланиши билан экранда намоён бўладиган сўзлар, яъни кино номи, ижодкорлари ҳақидаги ёзувлар тушунилади [6]. Киношуносликда бу, титр деб номланади, яъни “*титр ҳаракатдаги шахсларнинг сўзларини ифодаловчи ёки изоҳловчи матнни ўз ичига олган фильм кадридаги ёзув*” дир. Ҳар икки ҳолатда ҳам томошабинга ахборот етказилади.

Одатда номлар турли хил объектлар, воқеа-ҳодисалар, тушунчалар ва бошқаларни аташ учун ишлатилади. Уларнинг сони ҳар қандай тилда жуда кўпчиликни ташкил этади ва бой ономастик майдонни юзага келтиради. Номларнинг турлари орасида инсон фаолиятининг маънавий соҳаси билан боғлиқ номлар алоҳида эътиборга лойиқдир. Бу номларга, энг аввало, идеонимия

## ТИЛШУНОСЛИК

томонидан ўрганиладиган санъат асарларининг номлари киради.

Кўпгина олимларнинг ономастик луғатларга нисбатан қизиқишининг ортиши асарларнинг номлари, биринчидан, лингвистик таҳлил учун бой материаллар бўлиб таъминланиши, иккинчидан, тилларнинг ўзига хос хусусияти туфайли ушбу номларни шартли бирликлар, яъни ажралмас таркибий қисмлар сифатида ўрганилиши мумкинлиги билан изоҳланади. Асар номларига мустақил ишлаш қобилиятига эга бўлган нутқ бирлиги сифатида қараш мумкин.

Маълумки, ҳар қандай асар номи уни талқину таҳлил қилишнинг калитидир, шунинг учун ўқувчи ёки томошабинни ҳақли равишда коммуникатив ҳаммуаллиф, деб аташ мумкин. Чунки ҳар бир адресант беихтиёр ёки қайсидир маънода ўзбошимчалик билан асар номини англашнинг дастлабки босқичида асар мазмунига доир ўз прогнозларини тайёрлайди (Н.А. Кожина, Н.А.Николина, В.А.Лукин ва б.қ.). Бу номларни идрок этиш хусусиятларини аниқлаш, уларнинг адресантга таъсирини изоҳлаш ва матн номининг ассоциатив потенциалини аниқлаш имконини берадиган экспериментал тадқиқотлар яратиш тилшунослик олдида турган муҳим вазифалардан бири, деб ўйлаймиз.

Дунё тилшунослигида кинофильм номлари масаласи бир қатор ишларда ўрганилган. Жумладан, кино номларининг структураси, семантик ва прагматик хусусиятларини, шунингдек, ономастика объекти сифатидаги жиҳатлар рус тилшуноси Ю.Н. Подимова (2006) томонидан атрофлича ўрганилган [5]. Олима фильмларнинг номларини белгилаш учун **фильмоним**<sup>4</sup> атамасидан фойдаланишини айтиб ўтади ҳамда ономастик терминологияга киритишни тавсия қилади. Аммо бу термин анча аввал Е.Б. Книшнинг (1992) изланишларида учрар эди [3]. Фақат оммалашмаганлиги сабабли Ю.Н.Подимова бу атамани кенгроқ изоҳлайди ҳамда тадқиқотининг кўп ўринларида қўллашни маъқул кўради. Е.Б.Книш илк марта рус кинофильмлари номини лингвистик таҳлил

этиш масаласини монографик тадқиқот даражасида ўрганади. Ишда 1918-1990 йилларда суратга олинган 6136 та совет фильми номлари асос қилиб олинган. Мавзу доирасидаги илк тадқиқот бўлганлиги боис фильм номларининг лингвистик аспектда ўрганилишига умумий тавсиф берилган. Ю.Н.Подимова ишида эса фильмномларнинг ономастика объекти сифатида лингво-стилистик таҳлили берилган. Манба сифатида эса 1500 та рус, 1500 та Америка киноси (рус тилидаги талқини ҳам) олинган.

Ушбу тадқиқотларга қадар ҳам бадиий асарлар, умуман санъат асарлари номларига бағишланган монография-ю диссертациялар яратилган (И.В.Крюкова, Е.А.Бурмистрова, И.Б.Воронова ва б.қ.), аммо ушбу ишларда айнан кинофильм номлари махсус тадқиқот материали вазифасини ўтамаган. Санъатшуносликда эса дастлаб киношунос М.И.Андронникова кино номлари масаласига тўхталиб ўтган [1].

Кино номлари фильмнинг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Ҳар қандай фильм ҳақидаги дастлабки маълумот унинг номидан олинади. В.С.Модестовнинг сўзлари билан айтганда, **"сарлавҳа асарнинг бадиий тасвири, унинг визиткаси"** [4,129]. Уларни лингвистик, фалсафий, таржима каби турли нуқтаи назардан кўриб чиқиш мумкин. Лингвистик нуқтаи назардан тилшунослар матн сарлавҳасини ўрганаётганда, кўпинча "матнни қабул қилувчи вертикал контекст (интертекстуал алоқалар) ва қабул қилувчи ўртасида воситачи ролини ўйнайдиган қисм ва бутунга нисбатан ташкил топган матннинг қуйи тизими" [2], деб ҳисоблашади. Шунга кўра айтиш мумкинки, сарлавҳанинг шаклланиши ва фаолияти бир қатор тамойилларга – фон билимлари, прототипик тамойиллар, тил ресурсларини ажратиш ва иқтисод қилиш тамойилларига асосланиши мумкин.

Кинофильмда сарлавҳа семантик тугун вазифасини бажаради. Томошабин фильмни томоша қилиш жараёнида ушбу тугунни ечишга ҳаракат қилади. Агар ном нотўғри танланган бўлса, тугун тугунлигича қолади, шунингдек, мухлислар қалбидан жой олмайди ва тезда унутилади. Сарлавҳа энг муҳим семантик ва композицион элемент сифатида таҳлил қилинади. Бунда

<sup>4</sup>Биз бу атамани лозим деб топдик ва мақоланинг айрим ўринларида фойдаландик.

муаллифнинг нияти ва томошабинга айтмоқчи бўлган фикри инобатга олиниши зарур.

Кино номларини лингвистик таҳлил этишда, энг аввало, уларнинг функцияларини аниқлаб олиш зарур. Фильмонимларнинг кинода бир қанча вазифаларни бажариши тадқиқотларда таъкидлаб ўтилган. Жумладан, Велева-Бориссовнинг сўзларига кўра, фильмнинг номи, аввало, номлаш ва аниқлаш вазифасини, олдиндан сезиш вазифасини, диққатни жалб қилиш, томошага ундаш ҳамда информацион вазифани бажаради [1]. Ушбу вазифалардан ташқари, биз кино номларига хос қуйидаги хусусиятлар мавжуд, деб ҳисоблаймиз:

1. Саводлилик.
2. Қисқалик, ихчамлик.
3. Асар мазмун-моҳиятини тўлиқ қамраб олиш.
4. Номлаш, аташ.
5. Асар мазмуни тўғрисида тасаввур уйғотиш.
6. Диққатни жалб этиш, ўзига ром қилиш.
7. Фильмни томоша қилишга ундаш.
8. Ахборот бериш.
9. Яхлит маъно ифодалаш.
10. Образлилик, мажозийлик.

Юқоридаги хусусиятлар шуни кўрсатадики, кино номлари кўп қирралидир. Ҳар бир қиррани очиш, изоҳлаш учун турли нуқтаи назардан ўрганиш зарур. Чунончи, санъатшунослик, психология, лингвистика, адабиётшунослик ва ҳ.к. Шунингдек, фильмномимлар ҳам маънавият, маданият объектлари номлари қаторида туришини инобатга олсак, кино номлари фақатгина умумий лингвистик аспектда эмас, унинг ички тармоқлари кесимида ҳам таҳлил этилса мақсадга мувофиқ бўларди. Жумладан, ономастика, психоллингвистика, лингвомаданиятшунослик, лингвомаънавиятшунослик, ортология ва бошқа соҳалар доирасида ўрганиш имконияти мавжуд. Бу соҳаларнинг ҳар бири алоҳида тадқиқот мавзуси бўлиши мумкин.

Маълумки, фильмлар оммага қаратилган, шу сабабли кино номлари ўз-ўзидан оммавий алоқада бўлади. Хусусан, газета-журналларда, интернет саҳифаларида, реклама-брошюраларда, диск муқоваларида фильмномимларни кўп

учратамиз. Бу ҳолат эса ўз навбатида оммавий ахборот воситалари тилининг лексик ва фразеологик қатламининг маълум қисмини ташкил этади. Ономастика таркибига кирувчи бошқа номлар қатори кино номлари ҳам ҳар бир халқнинг маънавияти, маърифати, дунёқараши, тил имкониятларидан фойдаланганлик даражасидан далолат беради.

Кино номларининг асар сценарийсига тўла мос келиши томошабинни фильм тўғрисидаги прогнозини аниқ қўйилишига сабаб бўлади. Бунда лингвистик ва экстралингвистик омиллар муҳим роль ўйнайди. Фильмонимларнинг лексик семантикаси томошабин ҳиссиётларини уйғота олсагина ном англанади ва шундагина кино номларининг экспрессив, яъни томошабинга таъсир қилиш, унинг эътиборини жалб этиш функцияси тўлиқ намоён этилади.

Бадий асар сарлавҳалари, газета, журнал, мақолаларнинг номлари каби фильм номлари ҳам инсоннинг ижодий фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Фильмонимларга мавзу сифатида қарамаслик зарур, чунки улар фақат асар мавзусига мос сўзлар билан ифодаланмайди. Кино номлари турлича: асар мавзуси ёки ғоясини ҳам; воқеалар вақти, жойини ҳам; асар қаҳрамонларини ҳам атаб келиши мумкин.

Кино номларининг ахборот бериш функциясидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, фильмномимлар, энг аввало, асар воқеалари учун калит сўз вазифасини бажаради. Шу “калит” орқали биз кинофильм “қулф”ини очамиз ҳамда эстетик завқни туямиз.

Юқоридаги фикрларга таяниб айтиш мумкинки, ўзбек кинофильмлари номини ҳам лингвистик аспектда ўрганишга эҳтиёж мавжуд. Чунки ўзбек кино номларини кузатар экансиз, кўнгилни хира қиладиган жиҳатларга гувоҳ бўласиз. Масалан, “Олов кино нур” студиясида постановкачи режиссёр Абдувоҳид Ғаниев томонидан суратга олинган ҳамда яқинда “МУ5” телеканалида премьераси бўлиб ўтган “1 август” фильми номига эътибор беринг. Бир қараганда ҳеч қандай ғализлик, хатолик йўқдек, аммо лингвистик нуқтаи назардан қаралса, пунктуацион меъёрнинг бузилганини кўриш мумкин. 1 сонидан сўнг чизиқча (-) қўйилиши керак эди. Бу хатоликни “МУ5” телеканали ижодкорлари тўғрилаб,

фильм намоиши пайтида экранности титрда тузатилган варианты беришди. Аммо кинофильм титридаги хатолик ўз ҳолича бир қанча интернет сайтларида турибди.

“Mirali cinema” маҳсулоти ҳамда постановкачи режиссёр Отабек Мирзахолов томонидан суратга олинган “Лаббай РАИС” фильми (2020) номида ҳам пунктуацион меъёр бузилганини кузатамиз. Биринчидан, ушбу номда “раис” сўзи ундалма вазифасида келган, шунинг учун ундан олдин вергул қўйилиши лозим. Иккинчидан, ном мазмунан сўроқ гапни ифодалаган, шу боис кино номи сўроқ белгиси билан яқунланиши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Яна бир фильм номига диққат қилинг: “салом НАТАША”. Фильмни кўра бошлар экансиз, экранда кино номи айни шу кўринишда намоён бўлади. Кино О.Мирзахолов режиссёрлигида “Samo art films” киностудиясида суратга олинган. Номда ҳам график, ҳам орфографик, ҳам пунктуацион меъёрнинг бузилиши кузатилади. *Салом* сўзи бош ҳарф билан ёзилиши ҳамда ундан сўнг вергул, охирида эса ундов белгиси қўйилиши керак. *Наташа* сўзининг эса фақат биринчи ҳарфи бош ҳарф билан ёзилиши лозим эди.

Кимлар учундир бу оддий тил меъёрининг бузилиши бўлиши мумкин. Аслида-чи? Фильмни миллионлаб томошабин кўради ва улар орасида ҳали тил меъёрларини тўлиқ англамаган навниҳоллар ҳам мавжуд. Ўзбек фильмномларида бундай меъёрий

оғишларни яна кўплаб учратиш мумкин. Шундай мисоллардан айримларини олдинги ишимизда таҳлилга тортган эдик [7].

**Хулоса** сифатида куйидагиларни баён этамиз:

1. Дунё тилшунослигида фильмномлар масаласи бир неча тадқиқотларда ўрганилган. Ўзбек кино санъати пайдо бўлганига ҳам бир асрдан ошди. Демак, шу пайтга қадар яратилган фильмлар номи бир неча тадқиқот материали вазифасини бажариши мумкин. Шундай экан, ўзбек тилшунослиги ва унинг таркибига кирувчи тилшунослик йўналишлари зиммасида бажарилиши зарур бўлган вазифалар ўз тадқиқотчисини кутиб турибди.

2. Кино номларини лингвистик таҳлил этиш, энг аввало, она тилимизга бўлган эътибор ва ҳурматни билдиради. Иккинчидан, саводхонликни таъминлайди. Учинчидан, кинематографиянинг ривожланишига озгина бўлса ҳам ҳисса қўшади. Тўртинчидан, таржима соҳасидаги айрим ғализлик ва хатоликларнинг олдини олади.

3. Кино номлари тилшуносликнинг ономастика соҳасини яна бир ўрганиш объекти (фильмоним) билан бойитади ҳамда олинган натижалар, хулосалар асносида кинематография вакилларига тавсия ҳамда кўрсатмалар берилади. Шунингдек, келгусида яратиладиган фильмлар учун дастуриламал вазифасини ҳам ўташи мумкин.

#### Адабиётлар:

1. Андронникова М.И. Сколько лет кино? – М.: Искусство, 1968.
2. Горшкова В.Е. Название фильма как единица перевода и составляющая образа-смысла. Получено 14.05.2014 [Электронный ресурс]. URL: <http://vestnik.pstu.ru>
3. Кныш Е.В. Лингвистический анализ наименований кинофильмов в русском языке. Дис. . к.ф.н. - Одесса, 1992.
4. Модестов В.С. Перевод названий // Художественный перевод: история, теория, практика. – М.: Изд-во Литерат. ин-та им. А.М. Горького, 2006.
5. Подымова Ю.Н. Названия фильмов в структурно-семантическом и функционально-прагматическом аспектах: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Майкоп, 2006.
6. Широнова М.Ш. Кино тили тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари // БухДУ илмий ахбороти, 2019 йил, 4-сон.
7. Широнова М.Ш. Ўзбек кинофильмлари номларининг ортологик хусусиятлари // БухДУ илмий ахбороти, 2020 йил, 1-сон.
8. Shirinova M.Sh. The concept of film language and its studiedness in linguistic aspect // Актуальные вопросы современной науки и образования: сборник статей Международной научно-практической конференции. В 2 ч. Ч. 1. – Пенза: МЦНС “Наука и просвещение”. – 2020.
9. Широнова М.Ш. Ноустуворию ғалатҳои меъёрий дар номгузорию кинофильмҳои ўзбеки // Современные проблемы и перспективные направления инновационного развития науки: сборник статей XV международной научно-практической конференции молодых ученых и студентов ТГМУ им. Абу Али ибн Сино. 24 апреля 2020 года, Душанбе.
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. II. Е-М/ Таҳрир ҳайъати: Т. Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).